Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган   1999 йил 18 сентябрь, шанба   Баҳоси сотувда эркин нархда   № 74 (7167)

**Da'vat**

**Инсоният фақат мустақил ўрганиш туфайлигина тараққий этган.**

**Г.СПЕНСЕР**

**Ibrat**

**Қизилтепа туманидаги «Бухоро» ширкат хўжалигида 700 талабага мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши бошланди. Коллеж учун ажратилган 52 гектар майдоннинг 7,2 гектари қурилишга, қолган қисми тажриба майдончалари ташкил этишга мўлжалланган.**



*Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб-гимназиянинг олий тоифали информатика ва математика фани ўқитувчиси Турғун Азларов номи кўпчиликка яхши таниш. Изланувчан муаллим ўзининг 25 йилга яқин иш фаолияти давомида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш соҳасида эришган катта ютуқлари туфайли ҳам ном қозонган. Унинг ўнлаб шогирдлари туман, шаҳар ва республика фан олимпиадаларининг ғолиб ва совриндорлари бўлишган. Фидойи ўқитувчи Турғун Азларовнинг кўрсатаётган фаолиятлари инобатга олингани ҳолда, Мустақиллик байрами арафасида у ҳукуматимизнинг юксак нишонларидан бири — «Шуҳрат» медали соҳиби бўлди.*

***Суратларда: Т. Азларов дарсидан лавҳалар.***

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар**



## JUMLADA JAHON

**• Шу йил 16 сентябрь куни Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ва «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши Навоий вилояти мисолида кўриб чиқилди.**

**• Нукус шаҳрининг Қизкетган посёлкасида АҚШнинг «Платас» фирмаси билан ҳамкорликда кунгабоқардан ёғ олинадиган қўшма корхона ишга туширилди.**

**• Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши қўшни Қирғизистоннинг Боткен туманидаги воқеалар боис Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатнома йўллади.**

**• Ростов вилоятининг Волгодонск шаҳрида турар-жой биноси портлатилиши натижасида 14 киши қурбон бўлган, 70 га яқин киши жароҳатланган.**

**• БМТнинг наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича махсус вакили Бернард Фрахи Афғонистонда гиёҳвандлик моддалари етиштириш жуда юқорилаб кетганини маълум қилди.**

**• Тайван маъмурияти Хитой армиясининг Шарқий Хитой денгизидаги Чжоушань оролида ўтказилган ҳарбий машқлардан қаттиқ ташвиш билдирмоқда.**

**• Конго демократик республикаси Президенти Лоран - Дезире Кабила исёнчи гуруҳлар раҳбарини шу йилнинг июл ойида имзоланган шартнома ижроси масаласини муҳокама қилиш учун Киншасага таклиф қилди.**

**• Форт - Уэрт шаҳридаги ибодатхонада рўй берган қонли воқеа америкаликларни ларзага келтирди.**

**Qutlug' ostona**

## МЕН ТАНЛАГАН МАКТАБ

Биз олийгоҳда эгаллаб чиққан мутахассислигимиз расман мана бундай: «Иқтисодчи шарқшунос педагог!» Жуда кенг-а?! Ўқув дастуримиз ҳам, мутолаа ва синовлардан ўтиш жараёнларимиз ҳам ана шу мутахассислик кўламидай кенг эди. Изланишлар шавқи билан сезилмай ўтган машаққатлар ортда қолди. Битирувчи-дипломантларнинг ҳар бири бўлажак иш ўринларини ўзлари танлашди.

Мен Андижон шаҳрида жойлашган Ҳамид Олимжон номидаги 4-ўрта мактаб эшигини чертдим. Қисқача, лекин атрофлича суҳбат якунида мактаб директори Абдумуталиб ака: «Яхши, сизга «Ватан туйғуси», «Маънавият» ва «Одобнома» дарсларини берамиз», — дедилар.

Ўтган ўқув йилининг сўнгги кунларида айтилган бу гап мени уч ой довдиратди. «Одобнома»ни-ку қойиллатаман, дердим ичимда. Лекин «Маънавият»ни, «Ватан туйғуси»ни қандай ўқитаман? Маънавиятдан кенг тушунча, Ватан туйғусидан теранроқ туйғу борми?! Уларни ҳис этиш, сезиш, ҳатто намоён этиш мумкин. Борингки, юқтириш ҳам мумкин. Лекин... уқтириш... Тағин бир синфхонада ўтирган 30-35 болага уқтириш...

Болаларнинг ўзи ўқитувчига муаллим бўларкан. Чақноқ қоракўзларнинг ўзлари мавзуларга йўлчи юлдуз бўларкан. Мен авваллари буни билмас, ҳатто хаёлимга ҳам келтирмас эканман. Бу маъсум нигоҳларда болалар нималарга қодирлиги, нималарни ўрганишга ташна эканлиги шундоққина акс этиб тураркан. Устозлик – ана шу куртакларни асраб-авайлаш, уларни янги маълумотлар, чуқур билим ва теран мулоҳаза билан тўлдириб бориш экан. Мен буни куни кеча – Биринчи қўнғироқ тантаналарида англадим.

Бу тантаналарда кўп қаватли уйлар орасида Оқ тоғдай салобат тўкиб турган мактаб бағри нурланиб кетди. Бир дунё шодлик денгизи ичига кириб борганим сари ўзимдан шу касбни танлаганим учун миннатдор бўлиб кетдим. Ўз ўқитувчилик фаолиятимдаги илк сабоқни, малакани мактабда ўтказилган байрам тантаналарида олдим, десам янглишмайман.

Нафақат болалар, мен ҳам муаллимликдан илк сабоқни олгани бекорга шу мактабни танламабман, деб ўйладим. Бугуннинг ўзидаёқ ўз йўлимнинг, ўқитажак фанимнинг, ўқитиш-ўргатиш услубимнинг тархини қўйиб олдим, дедим ишонч билан.

**Мунаввара ПИРМАТОВА,**
**Андижон шаҳридаги 4-ўрта мактаб муаллимаси**

## Ўқитувчи ён дафтарига

### ТИЛ БИЛДИНГ – ТИЛЛО ТОПДИНГ

**Буюк британиялик журналист Гаролд Уилямс, чамаси шу мақолга қаттиқ амал қилса керак. Боиси, Гаролд ҳозирга қадар 80 та тилни ўрганиб, бу тилларда бемалол мулоқотда бўлиш лаёқатини эгаллаган. Унинг таъкидлашича, ўн бир ёшидаёқ грек, лотин, иврит, француз ва немис тилларини ўрганиб олган.**

### ОЛИМНИНГ МАТОНАТИ...

**Италиялик таниқли ғоршунос олим Маурицио Монтальбини Пизаро вилоятидаги Нерона тоғининг 5 минг метр баландлигида жойлашган ғорда 7 ой ёлғиз ўзи яшади. Бу давр мобайнида тадқиқот ишларини олиб борган олим ғордан бирор марта ҳам чиқмади ва ҳеч ким билан мулоқотда бўлмади.**

### НОГИРОНЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

**10 ёшида иккала оёғидан ажраган 44 ёшли Рам Тиртх Агравал ногиронлар аравачасида Деҳлидан мамлакатнинг чекка нуқтаси ҳисобланмиш Канниякумари шаҳригача бўлган 4 минг км.дан ортиқ масофани босиб ўтди. Р.Агравалнинг таъкидлашича, бу саёҳатдан мақсад ҳукумат ва жамоатчилик эътиборини ногиронлар аҳволига қаратишдир.**

### ТАЛАБАЛАРГА ҚЎШИМЧА ИШ

**Сеул метросида янги вазифа жорий қилинди. Уни бажарувчилар бекатдаги йўловчиларни итариб киритиш, вагонлар эшикларининг тезроқ ёпилишига кўмаклашиш ва шу орқали поездларнинг ўз маромида қатнашига имконият яратиш билан шуғулланишади. Ҳозирча бу вазифа учун ажратилган 132 ўриннинг барчасини талабалар банд қилган.**

## ҚАҲРАМОНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

*А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти, Мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси билан ҳамкорликда халқ таълими ходимлари орасидан етишиб чиққан Ўзбекистон Қаҳрамонлари билан учрашув ўтказди. Унда Қўқон шаҳридаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Манзура Мадалиева ва Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-мактаб директори, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Мавлуда Исматовалар иштирок этишди. Учрашувда Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев иштирок этиб, уларнинг ижодий меҳнат фаолиятлари хусусида гапирди. Иштирокчиларга қаҳрамонлар ўз ҳаёт йўллари, иш фаолиятлари ҳақида сўзлаб беришди.*

*Учрашув қатнашчилари шу нарсага амин бўлишдики, муаллимлик «нони» машаққатли бўлиб, бу касб эгаларининг эл орасида обрў топиши учун улар чинакам фидойи бўлишлари шарт. Агар шу фидойилик «юкини» кўтара олишса, жамиятнинг энг ардоқли кишилари ҳам улар бўлишади. Бунга машаққатли меҳнатлари билан етишиб чиқаётган халқ қаҳрамонлари, жумладан, ушбу учрашувнинг икки қаҳрамони ҳам ёрқин мисол.*

*Учрашувда шунингдек, қатнашчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди.*

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА**

**Ta'lim homiylari**

## МИЛЛИОНЕР МАКТАБ ҚУРИБ БЕРДИ

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги кўптармоқли «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси ҳам Мустақиллик фарзанди. Унинг ташкил этилганига атиги тўрт йил бўлди. Фирмага 37 ёшли серғайрат, тадбиркор, саховатли инсон Комилжон Отахонов етакчилик қилади. Топаётган даромадлари, ҳар ҳолда, тадбиркорнинг ибораси билан айтганда, кўп ҳам, кам ҳам эмас. Ана шу фирма туман марказида - ўзининг офиси рўпарасида 350 ўринли мактаб қуриб берди. Бунинг учун атиги беш ой вақт ҳамда 16 миллион сўм сарфланди.

Фирманинг муваффақиятларига бош омил Хитой давлати билан электродлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхона ҳамда Покистон, Арабистон, Корея, Туркия каби қатор мамлакатлар иштирокида савдо-сотиқ ишларини йўлга қўяётгани бўлаяпти. Шунингдек, фермер хўжалиги, қатор маиший хизмат шахобчалари, қурилиш бригадаси ҳам фаолият кўрсатиб, аввало, аҳолининг оғирини енгил қилаяпти, ҳамда фирма хазинасига мўмайгина даромад тушираяпти. Комилжон Отахоновнинг режалари катта. У яқинда ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда янги қўшма корхона тузиб, минерал сув ишлаб чиқариш ниятида тегишли идоралар ўртасида музокаралар олиб бораяпти.

Фирма бунёд этган ўқув даргоҳи хоналари, йўлаклар кенг ва ёруғ, болаларнинг эмин-эркин таҳсил олишлари учун зарур шароитлар яратилган. Уни жиҳозлаш ишларида ҳам фирма маблағ томонидан ёрдам берди. Аъло баҳоларга ўқийдиган болаларга стипендия жорий этилди.

(Давоми 2-бетда)

**Боткенлик тенгкурларимга ачинаман** 2-бет

**Акселс дастурлари** 3-бет

**«Юнусобод» кортларида кескин курашлар** 4-бет

## ТЕРРОРЧИЛАР – ҚУРШОВДА

Қирғизистон жанубида баланд тоғлар орасида жойлашиб олган террорчилар ҳукумат қўшинлари бўлинмалари томонидан қуршаб олинди. Каллакесарлар бу вазиятдан чиқиб кетиш қийинлигини тобора кўпроқ сезишмоқда.

Шунга қарамай, террорчилар ҳукумат қўшинларига қарши янги операция бошлашга куч тўплаш учун вақтдан ютишга уринмоқда, ҳукумат қўшинлари эса жангарилар отрядларининг республика ичкарисига суқилиб киришига йўл қўймаяпти. Жангарилар Боткен тумани марказидан тахминан 25-30 километр масофада кўзга ташланган.

Бу жойда Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг назорат пости билан жангарилар отряди ўртасида отишма бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳукумат қўшинлари орасида ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар йўқ. Жангарилар талофатлари ҳақида ҳам хабарлар олинмаган.

Ҳукумат қўшинларининг назорат пости билан отишма бошлаган жангарилар гуруҳи тахминан 25 кишидан иборат. Қирғизистон Мудофаа вазирлигининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда жангарилар асосан Хожи Ачкан (Боткен тумани) дарасида тўпланаётгани кузатилмоқда. Узунлиги 12 километрлик бу дарада, Мудофаа вазирлигининг оператив маълумотларига қараганда, 700 га яқин жангари бор.

Қирғизистон Республикаси махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмаси томонидан шу йил 11 сентябрдан 12 сентябрга ўтар кечаси асирга олинган жангари М.Жаҳоновни сўроқ қилиш чоғида олинган маълумотларга қараганда, жангарилар гуруҳларида ўзбеклар ва тожиклардан ташқари, афғонлар ва бошқа миллатларга мансуб шахслар бор. Жангарилар орасида аҳиллик йўқ, зиддиятлар эса кўп.

Шу йил 14 сентябрда Қирғизистон инсон ҳуқуқлари бўйича Конгрессининг мувофиқлаштирувчиси Т.Акунов музокара олиб борилган жойдан Палал-Ўўз қишлоғига қайтиб келди.

Музокаралар чоғида жангарилар гуруҳларининг бошлиқларидан бири Ю.Абдураҳмонов унинг қўмондони аниқ музокара олиб бориш учун Т.Акуновнинг Афғонистон Ислом давлатига боришини талаб қилаётганини айтган. Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг можаро зонасидаги бирлашган гуруҳлари қўмондони А.Чўтбоев Қирғизистон томонининг музокараларни давом эттириш учун гаровга олинганларни кўрсатиш тўғрисидаги талаби қондирилмаганини айтди. Террорчиларнинг гапларига қараганда, гаровга олинганларнинг ҳаммаси тирик, лекин «узоқ жойда».

13 нафар гаровга олинган кишини, жумладан, 4 япон геологини озод қилиш юзасидан музокараларнинг навбатдаги даври келгуси ҳафтада бўлиши лозим. Бироқ бу музокара қачон ва қаерда ўтиши аниқ эмас.

X X X

Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Россияда «халқаро жиноятчилар томонидан яхши таълим берилган жиноятчилар билан тўқнашаяпмиз, улар ислом дини шиорлари ниқобида ўзларининг «янги тартиб»ини ўрнатишга уринишмоқда».

Россия Федерацияси Бош вазири Владимир Путин Москвада МДҲ мамлактлари Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида шу ҳақда гапирди. Унинг сўзларига қараганда, «улар (террорчилар) уялмай-нетмай, сурбетлик билан Шимолий Кавказдан Помиргача ўз тажовузкорлик манфаатлари зонаси деб эълон қилдилар».

В.Путин халқаро терроризм Марказий Осиё минтақаси ва Шимолий Кавказ устидан назорат ўрнатишга уринаётганини таъкидлади.

«Россия бу масалада ўз йўлини белгилаб олди – биз ислом тарафдорларига эмас, балки террорчиларга қарши курашаяпмиз», – деди бош вазир. «Бу бандитларни, – деб давом этди у, – давлатларимиздан ташқарида ёллашмоқда, машқ қилдиришмоқда, ўқитишмоқда. Биз халқаро ёлланган жангариларнинг диний эътиқоди ҳам, миллати ҳам йўқ, деб очиқ айтамиз».

«Кўз олдимизда терроризм ва экстремизм байналмилал тус олмоқда ва бунга қарши ҳозир фақат биргаликда курашиш мумкин», деди В.Путин.

X X X

Бишкек шаҳрига Россия Федерациясидан ҳарбий анжомлар ортилган транспорт самолёти келди. Юкнинг бир қисми шошилинч равишда Ўш вилояти Ички ишлар бошқармасига келтирилди.

Қирғизистон ҳарбий тузилмалари жангарилар тўдаларини тугатиш юзасидан кенг кўламли жанговар операция ўтказиш учун барча тайёргарлик тадбирларини ниҳоясига етказди. Қуролли кучлар тўла жанговар ҳолатга келтирилди.

**(ЎзА).**

# МИЛЛИОНЕР МАКТАБ ҚУРИБ БЕРДИ

(Боши 1-бетда)

Комилжон Отахоновнинг беш нафар фарзанди бор, оилавий юмушлари, маблағ эвазига битадиган шахсий режалари бор. Бизга айтишларича, тадбиркор ўзига мўлжалдагига яраша дурустроқ уй ҳам қуриб олгани йўқ. Элдан чиқмай, камтар рўзғор юритади. Аммо, шунга қарамай, тумандаги яна бешта мактабнинг барвақт ва сифатли таъмирдан чиқиши учун қурилиш материалларини олиб берди, боғчаларга моддий ёрдам кўрсатаяпти. Шу қаторда, 7 - мактабда «Ёшлар клуби»ни ташкил этди. Клубни ўз ҳисобидан телевизор, магнитофон, шахмат-шашка, волейбол, футбол тўплари билан таъминлади.

Фирма директорининг ижтимоий манфаатларини шахсий манфаатларидан устун қўйишига алоҳида сабаблар бор. Аввало, унинг айтишича, Юртбошимизнинг таълим тизимини ривожлаштиришни янги поғоналарга кўтариш, туб ислоҳотлар ўтказиш ҳақидаги бир қатор маърузалари, ёзган асарлари, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифалар тадбиркорларни ёшлар таҳсил оладиган муассасаларга ҳомийлик қилишга ундайди. Қолаверса, Шаҳрихоннинг, Андижоннинг, умуман мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиётини таъминловчилар – келажак ворислари ҳозирги кунда мактаб парталарида ўтиришибди. Улар учун қанчалик яхши имкониятлар яратилса, мустақилликнинг афзаллик томонлари шунчалик яққол юзага чиқади. Янги мактаб биноси эса, албатта, Ватанимизда яқиндагина кенг нишонланган Республикамиз истиқлолининг 8 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди.

Комилжон Отахонов учун бу гапларни айтиш қийин кечмайди ва у қадар ҳавойи эмас. Чунки унинг ўзи олий маълумотли, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олган. Ижтимоий-сиёсий йўналишдаги билимлари етарли, дунёқараши кенг, мулоҳазалари теран. Бўш вақт топди дегунча, газета ўқийди, телевизор кўради, янги ахборотлар билан қизиқади.

Мактабнинг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев фирма директорига «Таълим ҳомийси» кўкрак нишонини тақдим этди ва бундай ҳомийлик ҳеч қачон эътиборсиз қолмаслигини, куни келиб ўзининг меваларини беришини айтди.

Алқисса, Комилжон Отахоновдек тадбиркор, олийҳиммат инсонлар юртимизда кўпаяверсин, уларнинг топган-тутганига барака, даромадига буромад инаверсин.

* * *

Андижонда бу йил қурилишлар ва бунёдкорлик йили бўлаяпти, десак ҳақиқатга тўғри келади. Буни вилоят ҳокимининг қарори асосида барча шаҳар ва туманлардаги хиёбонлар, кўчалар, корхона, ташкилоту муассасаларнинг ички ва ташқи ҳудудига турли-туман гуллар экилгани, ободонлаштиришга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилаётгани, қатор-қатор янги иншоотлар, тиббиёт ва таълим муассасаларининг ишга туширилаётгани мисолида кўриш мумкин. Ана шундай муҳташам бинолардан бири — 620 ўринли янги мактаб вилоятнинг Қўрғонтепа туманидаги Навоий жамоа хўжалиги ҳудудида Мустақиллигимизнинг 8 йиллик тўйи нишонланадиган кунларда фойдаланишга топширилди. Зиё масканини икки қаватли бўлиб, уни битказиш учун 36 миллион 850 минг сўм сарфланди ва беш миллион сўмлик жиҳозлар сотиб олинди.

Мактаб шарқона услубда бунёд этилди ва безатилди, нафис рангларга бўялди. Чекка қишлоқ марказида ана шундай замонавий кўринишли бинонинг қад ростлаши мамлакатимизда таълим - тарбияга катта эътибор берилаётганидан далолатдир.

Ўқув даргоҳи ўзиниг мажлислар зали, спорт зали, ошхона, кутубхона, дам олиш хоналари ва алоҳида иситиш тизимига эга.

— Ҳар йили Мустақиллик байрамимизда камида иккита мактаб ишга туширилаяпти, — дейди вилоят ХТБ бошлиғи Муҳиддин Мирзаев. — Ҳозир ана шундай қурилишлар кўп жойларда жадал давом эттирилаяпти.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишга астойдил киришилган, аҳолининг ўсиш суръати ортиб бораётган ҳозирги кунларда бу каби ибратли янгиликларнинг аҳамияти каттадир.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз**





**Суратларда «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмасининг бош директори Комилжон Отахонов ва у ўқувчиларга тақдим этган бино тасвирланган.**

## ТУРОН - МАРДЛАР ЮРТИ

*Сурхондарё вилоятининг Термизий номидаги илмий универсал кутубхонасида ватан озодлиги йўлида курашган Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан «Турон — мардлар юрти» мавзусида адабий кеча ўтказилди. Кечага тарихшунос олимлар, шоирлар, ўқитувчилар, музей ходимлари, китобхонлар жалб этилди. Кечада ўлкашунослик музейи «Археология» бўлими илмий ходими Зокир Холиқов «Ватан озодлиги йўлида» мавзусида маъруза қилди. Тадбирда китобхонлар билан савол-жавоб ўтказилди ва М.Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» драмасидан парчалар ўқилди.*

**Садбархон ЖЎРАЕВА**

## БОТКЕНЛИК ТЕНГҚУРЛАРИМГА АЧИНАМАН

**Munosabat**

Лицейдаги ўртоқларимиз билан танаффус пайтларида, дарсдан кейин кутубхоналарда, ётоқхонамизда Қирғизистондаги воқеалар ҳақида ўз билганимизча суҳбатлашамиз. Гап айланиб бориб у ердаги тенгқурларимизга бориб тақалади. Биз-ку лицейда ўқиб, ётоқхоналарда яшаб, билим олаяпмиз. Ҳамма шароитларимиз етарли.

Ҳар йили лицейимизни битирган ака-опаларимизнинг деярли ҳаммаси турли олий ўқув юртларига ўқишга киришяпти. Бу йил ҳам лицейимизни битирган 24 нафар ўқувчининг 23 нафари олий ўқув юртларига давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб ўқишга киришди. Лицейимизни битирган косонсойлик Солижон Умрзоқов эса, республика олимпиадасида ғолиб бўлгани учун имтиҳон топширмай, имтиёзли равишда университет талабаси бўлди. Энг қувончлиси, лицейимизни битирган айрим акаларимиз ҳозир энг ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олийгоҳларида таълим олишмоқда.

Буларнинг ҳаммаси юртимизда тинчлик, осойишталик туфайлидир.

Лекин Қирғизистоннинг Боткен туманидаги тенгқурларимизнинг аҳволи нима кечаяпти? Улар қаерда яшаб, қаерда ўқияпти? Лицейимиз ўқувчиларининг нияти, истаги битта. У ҳам бўлса, Қирғизистонга бостириб кирган ёвуз мақсадли кимсалар тезроқ жазосини олсин, тенгқурларимиз тезроқ ўз уйларига, мактабларига қайтишсин.

**Сардор МАДАТОВ,**
**Наманган туманидаги ҳуқуқ ва иқтисод лицейи 10-синф ўқувчиси**

## ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

**Ҳаммамизга маълумки, республикамиздаги барча таълим муассасаларида янги ўқув йили 2 сентябрда бошланган эди. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида эса янги ўқув йили рамзий маънода Халқаро тинчлик куни бўлган 14 сентябр куни бошланди. Шу муносабат билан Республика ўқувчилар саройига борганимизда бу масқандаги барча тўгаракларда Мустақиллик дарси бошланган экан. Тўгараклар билан танишиш жараёнида дурадгорлик тўгарагига қатнаб, устачиликни ўрганаётган Жамолиддин Усмонов ўз фикрини билдирди:**

**— Мен пойтахтдаги 81-мактабнинг 6-синф ўқувчисиман. Мактабдаги ўқишим иккинчи сменада бўлганлиги учун тушгача ушбу тўгаракка қатнаб, ҳунар ўрганаман. Келажакда катта уста бўлиб, халқимизга хизмат қилмоқчиман. Шу ўринда кўча-куйда, дарсдан кейин бекор юрган тенгдошларимниям ушбу сарой тўгаракларига келиб, ҳунар ўрганишларини таклиф қиламан.**

**Тўгараклар билан танишишда ҳар бир тўгарак хоналари барча керакли жиҳозлар билан таъминланганининг гувоҳи бўлдик.**

**— Бугун Халқаро тинчлик куни. Шу муносабат билан янги ўқув йилини Мустақиллик дарси билан бошладик, саройимизда ҳозирда 10 та тўгарак ишлаб турибди. Таълим жараёни икки сменада ташкил қилинган. Пойтахтимизнинг турли мактаблардан ўқувчилар келиб ҳунар ўрганишяпти. Ҳунар эгаллаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бу масканга қатнаётган болалар маълум маънода ўзларининг келажакларига ўзлари пойдевор қўймоқдалар, — дейди Республика ўқувчилар саройи директори Олияхон Иброҳимова.**

**Ҳунармандчилик бизга қадим аждодларимиздан мерос. Ҳозирги кунда республикамизда 700 га яқин мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд. Уларга қатнаётган ўқувчилар етарли даражани ташкил қилишмаяпти. Вақтини кўча-кўй, бозорларда ўтказаётган ёшларимиз ана шундай масканларга бориб ҳунар эгалласалар, ўзларига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиришлари шубҳасиздир.**

Шерали НИШОНОВ

## УЛАР МЕНИНГ ФАХРИМ

Куз фаслининг илк тонгида мактаб қучоғига биринчи синф ўқувчилари илк бор ташриф буюради. Шу лаҳзаларда уларни бутун борлиқ бу ташриф билан қутлаётганга ўхшайди. Зеро, илм йўлида янги қадамлар пайдо бўлади-да.

Ана шу гўдакларга пешвоз чиқиб, уларнинг жажжи юрагида илмга нисбатан меҳр уйғота олиш эса, биринчи муаллимнинг зиммасига юкланган. Шу боис бўлса керак, ҳар бир инсон биринчи ўқитувчисини чексиз ҳурмат ва эҳтиром ила эслаб юради.

Мен ҳам болалик кезларимни хотирласам, бир тўда болалар орасида қувнаб турган биринчи ўқитувчим Муҳайё Фазлиддинова кўз олдимга келади. Муҳайё опа 30 йилдирки, ёшларни тарбиялашдек шарафли ишда жонбозлик кўрсатиб, билим даргоҳига илк бор қадам қўйган жажжи ўғил-қизларга ўқиш-ёзишни ўргатиб, уларга билим берадилар. Айни пайтда Акмал Икромов туманидаги 197 - ўрта мактабда ишлаётган Муҳайё опа ҳар бир ўқувчиси билан дилдан сўзлаша олади. Уларнинг руҳияти, характери, яшаш шароитини яхши билади. У ўқувчиларнинг ота-оналари билан яқиндан алоқа ўрната олган. Мен шундай устозим қўлида билим олганимдан фахрланаман. Устозим менга одоб-аҳлоқни, ота-онани эъзозлашни, меҳр-оқибатли бўлишни таълим бериш жараёнида ўргатдилар. Устозимнинг барча ўгитларига амал қилган ҳолда, берган таълимларини оқлашга ҳаракат қиламан. Устозим каби фидоий инсон бўлиб яшаш менинг тилагимдир.

**Бахтиёр МУХСИМОВ,**
**Акмал Икромов туманидаги 197-мактаб ўқувчиси**

**Bir soatlik dars**

## КЎРСАТМА ЭМАС, МАСЛАҲАТ

### ёхуд дарс жараёнининг уч мақсади ҳақида

***Ёш ўқитувчи — касб тайёргарлигини кўрган, педагогика, психология фанлари юзасидан назарий билимларни пухта эгаллаган, юксак маданий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган мутахассис. У амалий фаолиятда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш мазмуни ва шаклларини яхши билиши зарур. Хўш, у нималардан иборат?***

### ТАЪЛИМИЙ МАҚСАД – БИЛИШ ОМИЛИ

Таълим беришнинг асосий шакли – дарс. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқув дастурида белгилаб берилган материалларни ўқувчиларнинг фаол иштирокида ҳамкорлик қилиш усули билан баён қилиш, мавзуни тушунтиришда хилма-хил усуллардан фойдаланиш, болаларга билим, малака ва кўникма бериш, уларни мустақил ишлашга, фикрлашга ўргатишдан иборат. Дарснинг мазмунли ва таъсирли бўлиши ўқитувчига боғлиқ. Мисол учун анчагина вақт бўлган бўлса ҳам менда катта таассурот қолдирган андижонлик муаллим – Балиқчи туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси А. Султонов ўтказган дарс ҳақида фикр юритмоқчиман. Дарсга ўқитувчи дутор олиб кирди. Дарс бошланди. Ўқувчилар билан саломлашиб, ўқитувчи «Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда...» деб бошланувчи «Ўзбекистон» шеърини ёддан айтди. Ўқитувчининг кўриниши, ўзини тутиши, нутқи, артистлик қобилияти, маҳорати дарснинг бошланишиданоқ намоён бўлди. Яхши дарс ўтиш – санъат. Синфда жим-житлик. Муаммоли дарс. Демак, бугун Ҳамид Олимжон ижоди ўрганилади. Ўқитувчи доскага янги мавзу: «Ҳамид Олимжон — лирик шоир» сарлавҳасини ёзди. Шоирнинг «Ўзбекистон», «Бахтлар водийси», «Ўрик гуллаганда» ва бошқа шеърларидан ёд айтиш билан унинг мазмунини тушунтира бошлади, дарсда ўқувчилар ҳам фаол қатнашдилар. Дарс суҳбат методи асосида олиб борилди. Ўқитувчи янги мавзуни баён қилиш, ўқув дастури талабларини амалга ошириш учун йигирма беш минут вақт сарфлади. Дарснинг ўн саккиз дақиқасида уй вазифаси сўралди, ўтган дарслардаги мавзуларни янги дарс мавзусига боғлаб савол-жавоб ўтказилди, ўқувчилар ҳам ўз ўртоқлари билимини аниқлаш учун савол-жавоб қилдилар, дарс мунозара шаклида жуда қизиқарли бўлди. Ўқитувчи ўқувчилар билимини баҳолашда ўтилган ва янги мавзу, синфдан ташқари ўқилган асарлар, ўқувчининг шахсий-ижодий қобилиятини ҳисобга олиб тўғри иш қилди.

Дарс якунланди. Танаффусга икки дақиқа қолди. Ўқитувчи қўлига дуторни олиб, «Болалар, биз бадиий адабиётдаги лирикани ўргандик, энди мусиқадаги лирик куйни эшитайлик» деб «Муножот», «Ўрик гуллаганда» куйини ижро эта бошлади. Дарс жуда таъсирли ва қизиқарли шаклда ўтказилди.

### ТАРБИЯВИЙ МАҚСАД – МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

Яқинда Тошкент шаҳридаги 273-мактабнинг ёш ўқитувчиси Э. Боситхонов дарсини кузатганимизда таълим-тарбия мазмуни ва уни ташкил этиш шакли намунали намоён бўлди. Ўқитувчи дарсни янги мавзуни баён қилиш билан бошлади. Ўқитувчи «Ислом Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» асари ҳақида» гапирар экан, унда миллатни миллат сифатида белгилайдиган асосий омиллар асар мазмунидаги истиқлол, унинг келажакдаги тутган ўрни ҳақида яхши фикрларни айтди.

Ўқитувчи дарс жараёнининг тарбиявий мақсадини ёритар экан, доскага катта картон қоғозга ёзиб қўйилган кўргазмани осиб қўйди.

«Тарбия – шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишда таркиб топтириш ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир» («Ватан туйғуси» китоби, Тошкент 1996, 121-бет).

Ушбу асарда берилган маънавият ҳақида гапирар экан, ўқитувчи шундай деди:

— Маънавият сўзи жамиятнинг, миллатнинг ёки айрим кишининг ички дунёси, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти ва идрокини мужассамлантирувчи тушунчани англатади. Кишилар онгида маънавият юксалиб борса, жамият равнақ топади, ҳаёт ҳар томонлама ривожланади, деган фикрларни мисоллар билан тушунтирди.

Ўқитувчи ўтмиш тарихимизда ота-боболаримиз таълим-тарбия ва маънавиятга дахлдор қимматли мерос қолдирганлигини айтиб, улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино (980-1037) Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилгани, 250 дан ортиқ илмий асар ёзиб, бой мерос қолдиргани ҳақида ахборот берди. Ибн Сино ўзининг «Аҳлоқ ҳақидаги рисола» китобида инсонларга хос фазилатлар: иффат, қаноат, сахийлик, шижоат, сабр-тоқат, шарм-ҳаё, мулойимлик, очиқ кўнгиллилик, фаросатлилик, дўстлик, вафодорлик, поклик, ҳалоллик, камтарлик, адолатлилик каби хусусиятларга таъриф берилганлигини айтиб, ўқитувчи: «Қани болалар, шу фазилатлар сизда борми?» — деб сўради. Ўқувчилар бу хусусиятлар ҳақида ўз мулоҳазаларини айтдилар. Дарс савол-жавоблар билан якунланди, уйга вазифа топширилди.

Ўқитувчилик фаолиятини эндигина бошлаган ёш ўқитувчи Э. Боситхонов дарс жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашларини шакллантириш ва тарбиявий мақсадни амалга оширишга ҳаракат қилди.

### МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ – КАТТА БОЙЛИК

Дарс жараёнининг мақсадларидан бири — ўқувчилар тафаккури ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш.

Шундай экан, ўқитувчи дарсда ўқувчиларнинг фаол қатнашувини таъминлаб уларнинг тафаккурини ривожлантиради. Тафаккур — ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини англатади. Фикр эса билим, тушунча, онг ва ақл маҳсулидир. Бу маънолар дарс жараёнига тадбиқ этилса илғор ўқитувчи номига сазовор бўлади.

**Ҳикматулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи**

## МУКАММАЛ ДАРСЛИК ЯРАТИШ ОРЗУИМИЗ

**Jarayon**

Мустақиллигимиз қўлга киритилгандан кейин таълим соҳасида кўпдан кўп ўзгаришлар содир бўлмоқда. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ва мана шулар асосида бу соҳада аста-секин, босқичма-босқич одимлаб боришимиз ушбу ўзгаришларнинг ёрқин намунасидир. Республикамизнинг иқтисод сиёсат, таълим ва маданият бобидаги мавқеини жаҳон ҳамжамияти рейтингининг – энг юқори босқичларига кўтариш масаласи Ўзбекистоннинг ҳозирги энг долзарб вазифаси бўлиб турган бир пайтда, Республика таълим марказининг Ғарбий Европа тиллари бўлими бу борада бир қанча кўзга кўринарли ишларни амалга оширяпти. Жумладан, умумий ўрта таълим мактабларида хорижий тилларни ўрганиш, замонавий методика асосида хорижий тилларни ўқитиш самарасини ошириш йўлида жон куйдирмоқда. Жумладан, замонавий коммуникатив услубида дарс беришга тўлиқ ўтилган Тошкент шаҳридаги хорижий тиллар чуқурлаштирилиб ўтиладиган 17-(инглиз), 51-(француз), 60-(немис) мактаблар иш фаолиятлари яқиндан ўрганилди. Уларнинг синфларда хорижий тилларни ўқитиш замонавий усуллари видеотасмаларга туширилди. Бу мактабларда хорижий тиллар болаларга ўйин асосида олдин товушларни тўғри талаффуз қилиш, саволларга тўғри жавоб бериш, гапириш, шеър, ашулалар айтиш, сўнгра ўқиш ва ёзиш, грамматика асослари, аниқ мавзуларда суҳбат қилиш ўргатилади.

Бундан ташқари, 10-11 синфлардаги «Техник таржима» дарсларида болаларда биология, кимё, физика, иқтисод ва бошқа фанларга оид мураккаб матнларни таржима қилиш малакалари ҳосил қилинади. Ушбу тажрибалар видеотасмаларга туширилган. Уни буюртмачилар эҳтиёжига қараб, нусха кўчириб беришга шайлаб қўйганмиз.

Бўлимимиз Буюк Британиянинг Британия Кенгаши, Германиянинг Тошкентдаги Гёте институти ҳамда Франция элчихоналари билан ҳам яқиндан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ғарбий – Европа тиллари бўлими ходимлари айни пайтда умумий ўрта таълим мактаблари учун қўлланмалар ва дарслик ёзувчи муаллифлар билан 5-6-синф дарсликларини яратиш билан машғул. Муаллифлар Британия Кенгаши билан ҳамкорликда танлаб олинди ва Халқ таълими вазирлигининг 1999 йил 3 февралдаги 20-сонли буйруғи асосида 8-26 февраль ва 5-23 апрель кунлари Британия Кенгаши ва Гёте институти ҳамкорлигида «Замонавий дарслик қандай ёзилади?» мавзусида амалий семинар машғулотларини ўтказди. Семинарни Англиянинг Кембриж университетидан таклиф этилган эксперт Дайана Лубелска олиб борди ва замонавий методика ҳамда дарсликлар ёзишнинг энг нозик томонларини ўргатиш билан у муаллифлар ишончини қозонди. Шу орада Д. Лубелска билан яна бир ҳафталик семинар ўтказилди. Бу сафарги семинарда дастуримиз янада такомиллаштирилди. Мана шу такомиллашган дастур асосида бўлим ходимлари қисқа вақт ичида 5-6 синфлар учун дарсликларга қўшимча қўлланмалар ятратди ва ҳозирги кунда уларни ҳам оммалаштириш масалалари кўрилмоқда.

Бу – иш тугади, degani эмас, энг қизиғи, энди бошланади. Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида 1999 йил 13 июлда имзоланган 125-230-сонли қўшма буйруқ асосида муаллифларга 6 ойлик ижодий таътил олиб берилди. Республика таълим маркази муаллифларга ишлаш учун хона ажратиб берди. Дарслик яратиш давомида сарф этиладиган харажатлар Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Британия Кенгаши ва Сорос жамғармаси томонидан қопланиши режалаштирилмоқда. Иш жараёни шундай режалаштирилдики, натижада кейинги 2,5 ой ичида 5-синф «Инглиз тили» дарслигининг лойиҳаси яратилди. Ушбу муаллифлар яратаётган дарсликлар мажмуа тарзида бўлиб, у ўз ичига ўқувчи китоби, ўқувчи дафтари, ўқитувчи китоби ва аудио кассеталарни олган бўлиб, замонавий методика, қизиқарли тилга ўргатувчи ўйинлар мавзулар бўйича ижодий ишлар тайёрлаш ва бошқаларни олади. Муаллифларга маслаҳатчи қилиб инглиялик Дайана Лубелска танлаб олинди. У шу кунларда Республика Таълим марказида муаллифлар билан навбатдаги 2 ҳафталик амалий машғулотни ўтказиш билан банд. Машғулотлар давомида 5-синф «Инглиз тили» дарслигини синовдан ўтказишга тайёрлаш ва 6-синф «Инглиз тили» дарслигининг лойиҳасини ниҳоясига етказиш ишлари олиб борилмоқда. Британия Кенгаши тил маслаҳатчиси Мартин Севёр бу бўлим билан олиб борилаётган ишлар олдин ҳеч қачон содир бўлмаганини ва ҳамкорликда эришилаётган ютуқлар Марказий Осиёда, қолаверса, ҳамдўстлик мамлакатлари ичида ягона эканлигини таъкидлаб ўтди.

Қисқаси, мукаммал ўқув дастурлари ва дарсликларни яратиш бўлимимиз орзуси эди. Бу орзуларимиз бирин-кетин ушалмоқда.

**Лутфулла ЖЎРАЕВ,**
**РТМ инглиз тили бўлими бош методисти**



*Юракка муҳрланувчи сабоқлар*

Ta'limdagi hamkorlik

# АКСЕЛС ДАСТУРЛАРИ

Пойтахтимиздаги АҚШ ахборот хизмати (ЮИСА) биносида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда 1999 йилдан бошлаб ўз фаолият доирасини кенгайтирган Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) 2000 йил учун дастурларини эълон қилди. Матбуот анжуманида АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги директори Майкл Куртис, АЙРЕКС халқаро ташкилотининг ҳудудий директори Тэвин Хелф ва АҚШ ахборот агентлиги ходимлари иштирок этди. Бу ташкилот 25 йилдан буён изланишлар олиб бориш, материаллар тарқатиш, таълим бериш услубиёти ҳамда МДҲ ҳудудларида бир қатор таълим ва мутахассислар алмашинуви дастурларини ўтказиш билан шуғулланади. АКСЕЛС Ўзбекистонда ўз фаолиятини 1993 йилда бошлади ва бугунга келиб Тошкент, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Нукус шаҳарларида ўз офисларини, маслаҳат марказларини очган. Ташкилот ўқувчилар, талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларнинг АҚШда таълим олиш дастурларидан ташқари доимий илмий-амалий семинарлар, конференциялар ўтказиб туради. Шунингдек, Америкада ўқиш имкониятига эга бўлган дастур қатнашчилари билан келажакда ҳам мунтазам ҳамкорлик қилади, маблағ билан таъминлайди. Ўтган вақт мобайнида АКСЕЛС дастурлари бўйича 101 нафар аспирант, 50 нафар талаба, 350 дан зиёд мактаб ўқувчилари ва 20 кишилик ўқитувчилар жамоаси Америкада ўқиш имкониятига эга бўлган. 1997 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» жамғармаси томонидан танланган талаба ва аспирантларни Америкага юборишда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ана шундай сермазмун иш олиб борувчи Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши келаси ўқув йили учун олти йўналишда очиқ танловларга асосланган дастурларни тақдим этади:

*1. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун – Озодликни қўллаб-қувватлаш дастури - 2000.*

*2. Олий ўқув юртлари талабалари учун махсус дастур.*

*3. Аспирантларга АҚШ олийгоҳларида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш дастури.*

*4. Олий ўқув юртини битирган ва дипломли мутахассислар учун — «Эдмунд С. Маски номидаги стипендия» дастури.*

*5. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчилари учун АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда – Инглиз тили ва АҚШ мамлакатшунослигини ўқитишда аълочилик мукофоти дастури.*

*6. Гуманитар фанлардан дарс бераётган ва ижтимоий ҳамда фанлараро таълимот бўйича иш олиб борадиган ўрта мактаб ўқитувчилари, маъмурлари, шунингдек, педагогика институти ўқитувчилари учун — «Таълим ҳамкорлиги» дастури.*

Эътиборлиси шундаки, барча дастурлар бўйича иштирокчилар ирқи, жинси, дини, миллий ва этник келиб чиқиши, жисмоний аҳволи (ногиронлиги)га қараб фарқланмайдилар. Имкониятдан фойдаланиш истагида бўлган шахслар АКСЕЛСнинг ҳудудий офисларига мурожаат қилишлари мумкин, ҳужжатларни топшириш муддатлари чекланган.

**Ф.КАРИМОВ**

# КУН ТАРТИБИДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Янги ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларининг педагогик жамоалари, Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва ўқитувчиларнинг вазифалари, ишлари, режалари нималардан иборат?

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги 328-мактабда бўлиб ўтган анжуман шу масалага бағишланди.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти томонидан ташкил этилган бу семинарда барча умумтаълим мактаблари маънавий маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари иштирок этдилар. Семинар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида давлатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишда маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларининг ўрни» мавзусида ўтди.

«Соғлом авлод учун» ордени нишондори, фалсафа фанлари номзоди А. Зайнутдинова «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари юзасидан бола шахсини маънавий ривожлантириш ва аҳлоқий, ҳуқуқий, юксак маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялашда мактаб жамоаси, маънавий ва маърифий тарбия ишлар бўйича директор ўринбосарлари, турар жой, маҳалла педагог-ташкилотчиларининг ўрни» мавзусида, «Диний экстремизм ва фундаментализмнинг Республика ижтимой-сиёсий ҳаётига ва ёшлар тарбиясига таъсири» мавзуси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров, «Мактабларда олиб бориладиган маънавий-маърифий тарбия ишлари тизими» юзасидан А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ ходими М. Асланова, «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари» фанини ўқитиш усуллари ҳақида Тошкент Давлат педагогика университети ўқитувчиси О.Ҳасанбоева маъруза қилдилар.

Шу соҳага оид анжуманлар сентябрь ойи давомида барча вилоятларда ўтказилиши режалаштирилди.

**Р. СУЛТОНОВ,**
**ХТВнинг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси услубчиси**



# ОРОЛ ДАРДИ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

*Ўзининг 35 минг йиллик тарихига эга бўлган табиатнинг бетакрор туҳфаси – Орол денгизининг бугунги тақдири ҳар бир онгли одамни бефарқ қолдирмайди. Инсоннинг табиатга нисбатан шавқатсиз муносабатининг маҳсули сифатида юзага келган бу муаммонинг келиб чиқиш оқибатлари хусусида кўп бор фикрлар юритилган. Лекин ҳануз у ўз ечимини топа олганича йўқ. Географик нуқтаи назардан учдан икки қисми Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Орол муаммоси атрофидаги 3,5 миллион аҳоли (унинг 40 фоизи болалар) тақдирида бутун дунёни ташвишга солмоқда.*

*10 - 14 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, «GEF» агентлиги ҳомийлигида «Орол инқирози болалар нигоҳида» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон, шунингдек АҚШ, Швеция, Голландия каби мамлакатлар болалари иштирокида ўтган анжуман уларнинг жамиятдаги муҳим муаммоларни ечишдаги ўрни ва ролини ёрқин намоён этди. Улкан сув ҳавзаси инқирозига оид иштирокчи болаларнинг фикр-мулоҳазалари, ғоялари ва мақсадлари халқаро семинар ташкилотчиларида янги умиду ишончларни уйғотди.*

*«Орол бўйи болаларини қутқариш» жамғармасининг ушбу анжуманда эътироф этилган билдиришномасига кўра, болаларда фуқаролик иштироки ҳиссини кучайтириш, уларнинг қобилиятлари ва билимлари билан тўғри муносабатда бўлиш жуда муҳим. Чунки болалар атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги ижтимоий фикрни шакллантирувчи, билимларни ривожлантирувчи куч сифатида қатнашиши мумкин.*

*«Перзент» Маркази вакиллари Орол муаммосига бағишланган тадбирда иштирок этар экан, болаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни тушунишлари, экологик ҳаракатларни самарали олиб боришлари учун ахборотларга, турли рақамлар ва фактларга эга бўлишлари кераклигини таъкидладилар.*

*Шу ўринда яна бир фикрни билдириб ўтиш лозим туюлади. Ҳар қандай муаммо, агар у ижтимоий тус олган бўлса, фақат жамиятнинг барча қатламлари иштирокидагина ижобий ҳал этилиши мумкин.*

**Фахриддин ТУРДИАЛИ ўғли**

Yangi qo'llanma

# ДАСТУРЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?




Ҳозирги кунда ҳар бир мутахассис ишини ЭҲМлар билан мулоқотсиз тасаввур қилиш қийин. ЭҲМдан фойдаланишни мукаммал биладиган мутахассисларга бўлган талаб тобора ортиб бораётир. Чунки ҳаётда учрайдиган турли-туман масалаларни тезкорлик билан ЭҲМ ёрдамида ечишга зарурат туғилмоқда. ЭҲМ дан фойдаланиш эса ҳеч бўлмаганда, оддий дастурларни тузишни билишни тақозо этади.

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш бўйича ташкил этилган кўргазмадаги информатика ўқув хонасини кўздан кечириш чоғида Президентимиз Ислом Каримов XXI аср —информатика асрида бу фанни кенг ўқитиш ҳамда бу соҳада ўзбек тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. «Қатортол-Камолот» нашриёти томонидан чоп этилган олий тоифадаги ўқитувчилар Ш.Шозиётов ва Ҳ.Шозиётоваларнинг «Бейсик дастурлаш тилидан практикум» китобига ана шу мақсадда қўйилган қадамлардан бири, деб қараш мумкин. «Компьютер саводхонлиги» тўпламидаги бу 4-китоб кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган. Унда Бейсик дастурлаш тилини қўллаб масалалар ечиш баён этилган.

Китобда алгоритм, дастур, Бейсик тили ҳақида тушунчалар берилиши билан бирга математика, физика ва бошқа соҳаларда учрайдиган масалаларни Бейсик тилида дастур тузиб ечиш атрофлича ёритилган. Шуниси диққатга сазоворки, ҳар бир бобда йигирматадан масала учун Бейсик тилида дастурлар тузилган. Бундан ташқари, ҳар бир боб охирида ўқувчиларнинг мустақил дастур тузишлари учун топшириқлар берилган.

Китобнинг ютуғи шундан иборатки, у ўқувчини тайёр дастурдан фойдаланишга ўргатиш билан бирга уни мустақил равишда турли масалаларни ечишда ижодий ёндошишга ундайди.

Биринчи бобда чизиқли алгоритмга келтириладиган масалаларни ечиш баён этилган. Бу бобда шундай масалалар ҳам учрайдики, улар учун тузилган дастурлардан кейинги бобларда самарали фойдаланилади. Чунончи, сонни берилган аниқликда яхлитлаш, берилган бурчакни градус ўлчовидан радиан ўлчовига ўтказиш ёки радиан ўлчовидан градус ўлчовига ўтказиш каби масалалар шулар жумласидандир.

Иккинчи бобда тармоқланувчи алгоритмларга оид масалаларни Бейсик тилида ечиш усуллари ёритилган. Бунда математика, физика ва кимё соҳасида учрайдиган қизиқарли масалаларни ечиш бўйича дастурлар тузилган.

Учинчи боб бир хил амаллар кўп марта такрорланадиган масалаларни ечишга бағишланган. Бундай масалаларни Бейсик тилида дастур тузиб ечиш математикада турли функцияларни батафсил ўрганиш, физикада ҳаракатни бирор вақт оралиғида мукаммал ўрганиш имконини беради. Мазкур турдаги масалаларни ечиш халқ хўжалигининг турли соҳаларида, жумладан, банк ҳисоботи, солиқ назоратида учрайдиган турли масалаларни ечишда қўл келади.

Тўртинчи бобда жадваллар билан ишлашда Бейсик тилида дастурлашдан қандай фойдаланиш мумкинлиги қизиқарли масалаларни ечиш орқали ёритилган.

Бешинчи бобда матн билан ишлаш операторларини бериш билан бирга улардан муайян масалаларни ечишда самарали фойдаланиш содда ва тушунарли тилда баён этилган. Бунда «берилган матнда тушириб қолдирилган ҳарфларни ёзиш», «конкурс ғолибини аниқлаш», «Бейсик тили операторларининг ўзбек тилига таржимаси», «матнда учрайдиган белгилар сонини аниқлаш», «сўзларни алфавит бўйича тартиблаш» каби дастурлар кўпгина ҳаётий масалаларни ечишда қўлланилади.

Охирги олтинчи бобда график чизишга оид дастурлар келтирилган. Бунда турли функцияларнинг графикларини Бейсик тилида дастур тузиб компьютер ёрдамида чизиш усуллари келтирилган. Параллел горизонтал ва вертикал чизиқлар, айлана, парабола, эллипс, синусоида, қўш синусоида чизиш ана шулар жумласидандир. Паскаль чиғаноғи, кардисида, астроида, эпициклоида каби ғаройиб шаклларни чизиш дастурларини тузишни ўрганган ўқувчи, шубҳасиз, эстетик завқ олади.

Мазкур китоб умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда информатика фани ўқитувчилари учун ҳам ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган.

**Анвар БАҲРОМОВ,**
**А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ проректори, физика-математика фанлари номзоди, доцент**

# ОЛИМ БЎЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ

Юртимизнинг илм-маърифат ривожига ўзининг фидокорона меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган фарзандлари кўп. Мана шундай фидокор - зиёкорлардан бири Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, профессор Мирсаид Ориповдир.

Ёшлигидаёқ отаси оламдан ўтиб, ёлғиз онаси қарамоғида қолган Мирсаид ўзининг меҳнаткашлиги, ўқишдаги ютуқлари билан волидаси оғирини енгил қилар, дилида умидлар уйғотар эди.

Мирсаиднинг 11 йиллик мактабни 10 йилда тугатиб, ТошДУнинг механика-математика факультетига ўқишга қабул қилиниши мана шу умидлар амалга ошишининг илк намунаси эди. Университетдан кейин Новосибирск Академия шаҳарчасининг Ҳисоблаш Марказидаги тадқиқотлар, номзодлик диссертацияси, ТошДУдаги педагогик ва раҳбарлик фаолиятлари ва бошқа илмий, ижтимоий соҳадаги меҳнатларидаги ютуқларига 1994 йили «Квазичизиқли параболик турдаги тенгламалар учун Коши ва чегаравий масалаларни тақрибий - автомодел ва асимптотик тадқиқ қилиш усуллари» мавзуидаги докторлик диссертациясининг муваффақиятли ёқланиши ҳам қўшилди.

М.Ориповнинг илм-фанга бўлган ихлоси яна олға талпинди. «Олим бўлсанг, олам сеники» деганларидек, унинг ҳозирги кундаги илмий фаолияти жаҳон олимлари орасида ўз мухлисларини топмоқда. М.Орипов дунёнинг АҚШ, Олмония, Франция ва Туркия каби давлатларида бўлиб ўтган халқаро, нуфузли, илмий анжуманларда ҳам ўз маърузалари билан қатнашиб келмоқда.

**Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**профессор, ТошДУ механика-математика факультети декани**

# БУНЁДКОРЛИК БОЛАЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Ilk qadam



Бугун мактаб даври, ўқувчилик лаҳзалари умуман, ўқувчи-болалар ҳаёти кечаги кундагидан кескин фарқ қилади. Бу фарқ ҳам моҳиятан, ҳам мазмунан четдан бир қарашданоқ кўзга ташланади. Буни Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази томонидан ташкил этилган «Ёш кашфиётчи Республика кўргазмаси» яна бир бор тасдиқлади. Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги ҳамда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» га бағишланган кўргазмада барча вилоятлардаги иқтидорли ўқувчилар ясаган ва ихтиро қилган экспонатлар намойиш этилди. Улар ичида агросаноат ва қишлоқ хўжалиги машиналари, миллий ва амалий саноат ишлари технологиялари, маиший ҳамда ҳарбий хизматларга оид мосламалар борлиги қувонарли ҳол. Чунки улар яратган ҳар бир техник восита ўқувчиларнинг мактабда эгаллаган назарий билимларининг амалиётда қўллай олишини, маълум фикр ва ғояга эга эканлигини кўрсатади.

Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ташриф буюриб, ташкил этилган тадбирга юқори баҳо берди:

— Ушбу кўргазма ва унда ижодкор болаларнинг иштироки бугунги ўқувчининг интилишлари ҳамда имкониятларининг ёрқин ифодаси бўлди, — деди Жўра Йўлдошев. — Болаларнинг билими, онги, тасаввурлари меваси бўлган бу жажжи қурилмалар кичик авлоднинг бозор шароитларига мос ҳолда бунёдкорлик ғояси билан яшаётганлигини кўрсатади.



Таъкидлаш жоизки, иқтидорлилар, талантлар қаерда яхши шароит бўлса, ўша жойда бўй кўрсатади. Шундай экан, ўқувчиларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, жойларда барчани қизиқишларига кўра тўла қамраб оладиган клублар фаолиятини йўлга қўйиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади.

**А.РАҲМАТУЛЛАЕВ**

Nigoh

# ТАЛАБА ИДЕАЛИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Бундан икки минг йил аввал, инсон ҳаракати тезлиги ярим от кучидан камлик вақтида, чопганда қанот чиқарган тулпор Ғиркўк, ўзи учар гиламлар узоқ аждодларимизнинг орзусини ифодалар эди. Алпомишнинг элпарварлиги ва қаҳрамонлиги ижтимоий идеал сифатида жуда қадимдан ҳам мавжудлигини кўрсатиб турибди.

Бундан минг йил аввалги ҳолатни Президент Ислом Каримов жуда тўғри таърифлаб бундай ёзадилар:

**«Мовароуннаҳрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағри кенглик руҳини ўзида акс эттиради. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъкосини топган идеали — фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизида ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас».**

Алишер Навоий таърифида Искандарга нисбатан берилган шаҳар ҳаёти, яшаш тартиби — адолат ҳукмрон бўлган жамиятнинг бундан беш юз йил аввалги идеали эди.

1

Совет тузуми «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деб сарлавҳа қўйиб ёшларга идеал яратиб бермоқчи эди. Аммо у ҳаракат сохталиги, ўта сиёсийлиги, бизнинг миллатга хос хусусиятларни эътиборга олмагани, сунъий рефлексларга асосланганлиги учун ҳам одамларга манзур бўлмади. Сукут билан рад этилди. Павлик Морозов, Павел Корчагин каби қаҳрамонлар, шунингдек, уларнинг ўзбекча отдошлари ҳам, ҳозир халқ хотирасидан ўчди.

Идеалнинг таърифи фақат негизлардан иборат эмас. Мен унинг бош белгисини ватанпарварлик деб биламан. Миллий талаба, аввало, она юртнинг фарзанди бўлиб, ўз ватанига фидойи, тарихи билан ғурурланган, ўзбеклигини бахт деб билиб, бор қобилиятини миллатига бағишлаган шахсдир.

У замонавий ҳаётнинг энг юқори чўққисини эгаллаган бўлиши керак. Тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, жамият қонунларига ҳурмат, юксак маданият, ота-она, оила олдида ўз бурчини билиши ва адо этиши, юксак ахлоқ соҳиби бўлиш унинг учун ҳам фарз, ҳам қарз.

XXI аср ўзбек миллий талабаси ўз она тилини аъло билиши, аскиянинг қочиримларини тушуниши, мумтоз ва замонавий шоирлар шеъридаги санъатлардан ҳайратга тушувчи, эстетик диди баланд бўлмоғи лозим.

Илгари қўш тилли адибни зуллисонайн деганлар. Бугунги зуллисонайнлик она тили билан баробар жаҳон йирик тилларидан биттаси, иложи бўлса кўпроғини яхши билишни тақозо қилади.

Янги замон талабаси идеалининг таърифи ҳали кўп. У миллатимиз маънавиятида мавжуд барча яхши одатларни мерос деб қабул қилади. Айни вақтда қолоқларни, тараққиётга ғов бўлиб қолаётганларини

2

одоб билан, аммо дадил рад этади.

Ойбекнинг «Навоий»сида, Ҳамзанинг «Янги саодат» асарида, С.Айнийнинг «Эсдаликлар» китобида ўтмишдаги ўзбек муллабаччаларининг образлари бор. Улар билан бизнинг бугунги талабаларимизни солиштирсангиз, XX асрда қанчалар илм-маърифатда олдинга кетганимизга ҳайратда қоласиз.

Миллий мафкуранинг узвий қисми бўлган талабалар маънавияти масаласи маҳаллий муаммо эмас. Зероки, бугунги ўзбек ҳар масалани жаҳон контекстига солиб баҳолайди, фақат иқтисодиётда эмас, маънавиятда ҳам жаҳон андозаси бор.

У дунёни, пасту баландликларини чуқур билади, миллатнинг ҳолатини бошқалар билан солиштиради, яхшини кўриб фикр қилади, ёмонни кўриб шукр қилади... Айни вақтда ўзбек талабасининг миллий одатлари бошқа халқлар учун, жумладан, республикамизда яшаётган ўзга миллат, аммо Ўзбекистон фуқароларини бирлаштирувчи роль ўйнайди.

Ахир, «Наврўз» байрамида сумалак ялаган талабаларнинг ҳаммаси, миллатидан қатъий назар хурсанд бўлади-ку. Бизда ота, она, устоз, оилага ҳурмат жуда баланд, меҳмоннавозлик — анъана. Ичкиликбозлик ҳамиша уят ҳодиса бўлган, ҳозир ҳам одобни безамайди. Бағрикенглик, бошқа дин мазҳабларига чидамлилик — тинч ҳаётимиз негизларидан бири. Порнографияга муккасидан кетиш ҳам оз.

Бир маҳаллар профессор А.Ортиқов талабаларга насиҳат қилиб, кўча-кўйда ўпишиб ўтириш одобдан эмас, деб ёзганда Москвада чиқадиган «Литературная газета» уни масхара қилган эди. Москва телевидениеси беҳаё киноларни қўйиб бошлаганда, халқимиз ўша

3

канални ўчириб қўйишни илтимос қилди.

Миллий талаба идеали ҳам икки томирдан ривож топади. Бири миллий негиз, иккинчиси жаҳон цивилизациясининг ибратли томонлари. Худди бошқалар биздан қайсидир хусусиятларни олгандек, умумжаҳон маънавиятидан биз оладиган одатлар ҳам оз эмас. Ўзбек талабалари идеалида мен немисларнинг ишчанлиги, французларнинг аёлни улуғлашини, япон аёлларининг эркакни эъзозлашларини кўришни истардим.

Миллий талаба идеалининг айрим чизгиларини келтирдим. Уни тўла шакллантириш олимларнинг, кўпчиликка етказиш эса ижодкорларнинг вазифасидир. Ҳар иккала соҳада ҳам қилинган ишлар бизни тўла қониқтирмайди. Публицистика, шеърлар, қўшиқларда жаранглаб қолган ҳиссиётларни мустасно қилганда, катта мавзу - Мустақилликнинг халқимиз тақдиридаги тарихий ролини очиб берувчи йирик ва талантли асарларга эҳтиёж катта. Ўзбек миллий талабаси ўзи танлаган илмларнинг донишманд билағони, айни чоқда ўз миллати, Ватанининг содиқ фуқароси бўлишини орзу қиламиз.

Улар ҳақида Ислом Каримовнинг меҳр билан айтган сўзлари ҳақ фикрдир:

**«Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустақил иродаси ва дунё- қарашида кўраман».**

**Лазиз ҚАЮМОВ,**
**филология фанлари доктори, ТошДУ профессори**

4

# «ЮНУСОБОД» КОРТЛАРИДА КЕСКИН КУРАШЛАР

Тошкентда бўлиб ўтаётган «Президент Кубоги» халқаро теннис муосбақалари сўнгги паллага кирди. Бир ҳафта давомида дунё бўйича теннис мухлисларининг диққат марказида турган беллашувларга бугун якун ясалади. «Юнусобод» кортларида ўз имкониятларига яраша «насиба»сини олган иштирокчилар ҳам, мухлислар ҳам финал учрашувининг шоҳиди бўлишади. Марказий теннис майдонида ҳаяжонларга тўла олқишлар билан турнирнинг навбатдаги қаҳрамони кашф этилади.

Бу йилги теннис гулдастасидаги Ўзбекистоннинг уч нафар вакили дастлабки учрашувлариданоқ рақиблари маҳорати билан аниқ ҳисоблаша олмай «муддатидан аввал» мухлислар қаторидан жой олишган эди. Юртимизда ўзининг ашаддий мухлисларини топишга улгурган турнир эса ўз жозибасини намойиш этаверди. Чунки ҳар бир учрашув тасодифми, омадми ё каромат, ё саховат кўрсатишларга бой бўлиб, башоратларни «лол» қилувчи натижалар билан интиҳо топди.

Ўзини ушбу нуфузли мусобақанинг доимо иштирокчиси ҳисоблаган Е. Кафельников 1/8 босқичдаги рақиби чехиялик Д. Вацекнинг мағлубига айланиши (7/6 (5), 2/6, 7/5) кўп сонли ишқибозлар қўллаб-қувватлашларини зое кетказди. Асосий босқичга саралаш ўйинларидан чиқиб келган хорватиялик П.Шричапан чорак финалда гарчи омади чопмаган бўлса-да, Д. Вацекга муносиб рақиб бўла олди (7/5, 7/6 (6)).. Шу икки учрашувнинг ўзи ҳам турнир тасодиф натижаларга бой бўлганлигини яққол кўрсатади. Дастлабки учрашувд Д.Томашевич устидан ғалаба қозонган швецариялик М.Россе О.Огородовни мағлуб этган юртдоши Г.Бастлга рўпара келди.



Муросасиз кечган бу учрашувда ҳам Г. Бастлнинг қўли баланд келди (6/1, 6/4). Жуфтлик баҳслари хусусида сўз юритар эканмиз, ўзбекистонлик теннисчиларнинг яна кучли синов доирасига тушиб қолганлигини айтиб ўтиш жоиз. Биринчи ракеткамиз О.Огородов, М.Россе жуфтлиги биринчи турда юртдошларимиз В. Куценко, Д. Томашевич жуфтлигига қарши кортга тушиб, 6/4, 6/2 ҳисобида устун келдилар. Табиийки, бу ғалаба икки вакилимизни мусобақаларни тўхтатишига мажбур қилди. Яна бир ҳамюртимиз Т. Ғаниев, таиландлик П. Шричапан жуфтлигидан биринчи турдаёқ омад юз ўгирди. Шундай қилиб, якка беллашуларнинг ярим финалида Д.Вацек – Н.Кефир ўйини ғолиби П.Веселс — Г.Бастл (6/4, 6/3) лар натижасига кўра Г.Бастл билан финал босқичида куч синашади. Жуфтликлар Л.Манта, М.Кейл — С.Саргсиан, Ж.Томас учрашувининг ғолиб жуфтлиги М.Кейл, Л.Манта(7/6(5) 7/6 (5) ) Т.Шимада, М.Вейкфилд – М. Россе, О.Огородов учрашувининг ярим финал ғолиблари билан сўнгги турда кортга тушадилар.

**Ф. КАРИМОВ,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбири**

***Суратда:***
***Е.Кафельников***

# ЗИЁКОРЛАР ИШИДА ДАВР РУҲИ

Хоразм вилояти мактаб кутубхоналари ходимлари янги ўқув йилини кўтаринки руҳ билан бошладилар. Ўқув йили бошида кутубхоначи ва кутубхона ишлари бўйича методистларнинг Республика ҳудудий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Ёшларни етук, маънавий баркамол инсон сифатида шакллантиришда мактаб кутубхонаси ва кутубхоначиларнинг ўрни масаласи семинар-кенгаш ишининг асосий мавзуси бўлди. Болалар китобхонлигини ошириш, ёшларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилиш, китобхонларга самарали хизмат кўрсатиш, ўқувчиларни кутубхонага жалб этиш, мактаб кутубхонасининг таълим-тарбия ишидаги мавқеини кўтариш, кутубхоначиларнинг вазифалари, бугуннинг талаби даражасида фаолият кўрсатиш масалалари муҳокама қилинди.

Анжуман иши К.Исмоилов номидаги вилоят универсал кутубхонасида очилди. Вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти, вилоят болалар кутубхонаси томонидан ташкил қилинган китоблар кўргазмалари иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Йиғилганлар ўлкашунослик бурчаклари, китоб кўргазмалари, ўқув-тарбия жараёни учун муҳим аҳамият касб этувчи китоблар тарғиботи борасидаги ишлар билан яқиндан танишдилар. Қорақалпоғистон Республикасидан ҳам мактаб кутубхонаси ишлари бўйича мутасаддилар иштирок этдилар.

Семинар-кенгашнинг амалий машғулотлари Урганч шаҳридаги 19-мактабда, Хива туманидаги 10-,3-,8 - мактабларда ташкил этилди. Уларда кутубхонани безаш ва жиҳозлаш, кутубхона ҳужжатларини юритиш, альбомлар, стендлар, китоб кўргазмалари, энг муҳими, болалар китобхонлигини ошириш муаммолари юзасидан фикрлар алмашилди. Семинар иштирокчиларнинг Хоразм вилоятида кутубхона иши фаоллашади, деган ишончи билан ўз ишини якунлади.

**Р.РАТНЕР,**
**Республика илмий педагогика кутубхонаси бўлим бошлиғи**

## УНИВЕРСИТЕТ ХИЁБОНИДА МАРАФОН

ЮНЕСКО ташаббуси билан эътироф этилган бутун дунё Халқаро тинчлик кунига бағишлаб қадимий, навқирон Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбонида «Тинчлик» кросс мусобақаси бўлиб ўтди. Бу тадбирда барча олий, умумтаълим ўқув муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этдилар.

Университет хиёбони турли хил тинчлик кунига оид шиорлар билан безатилган эди. Кросс мусобақасининг ташкилий ва кўнгилдагидек ўтишида вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги енгил атлетика спорт мактаби мураббийлари Азиз Мамедов, Ирина Мехайлянц, Николай Агамян, Катя Петушкиналар яқиндан кўмаклашди. Ғолибларга вилоят халқ таълими бошқармасининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**М.АҲМЕДОВ**

## Xullas...

### МАШИНИСТГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Ер остига тушсангиз — метро. Фалон километрга бир лаҳзада! Аслида бунинг мўъжизалиги ҳам қолмади.

Аммо Парижда йўловчиларни ҳайратда қолдирадиган янгилик яратилмоқда. Бу автоматик метро, яъни пульт билан бошқарилади. Машинистга эса асло ҳожат йўқ, поездлар бекатда автоматик тарзда тўхтаб, яна йўлда давом этади.

«Метеор» деб аталган транспортнинг бу турини Франциядаги «Метеора» компанияси ўйлаб топди ва уни ишлаб чиқариш учун 800 миллион франк сарфлади.

### ОЗҒИНЛИККА ИНТИЛИШМИ ЁКИ ТЕЖАШ

Мода — ўзгарувчан нарса.

Ким нимани кийса, кияверсин. Лекин ҳар ҳолда у ярашгани яхши.

Барселона салони модельерларидан бирининг берган маълумотига қараганда, келгуси асрда ўлчамлар анча кичраяди. Пако Флаке буни ҳаётнинг ўзи кўрсатаётгани ҳақида фикр билдирди.

Масалан, бундан ўн йил муқаддам, модельерлар ўртасида 40-42 ўлчамдаги кийимлар тикиш ҳаддан ташқари урф бўлган эди. Энди эса озишга ружу қўйилдими ёки матони иқтисод қилиш мақсадидами, ўлчам 38 га «тушиб» қолди. Яъни, бу ўлчамдаги кийимлар сотувда ҳам, буюртма берувчиларда ҳам кўплаб учрамоқда.

Салон директорининг фикри: «Озғинлик — гўзаллик эталони», дея тан олинди, шекилли».

### СУВОСТИ ЧАНҒИСИ

Чанғи – спортнинг энг оммавий тури. Қор барханлари, тоғ чўққиси чанғига гап эмас. Оёққа тақинг-да, олдинга интилинг, учасиз, учмоқ тугул борлиқни «қучасиз».

Австралиялик уста Герхард Цаунер кашф қилган чанғи қорда учишга эмас, сув остида учишга мўлжалланган. Белга тортиб боғланган кислород баллони, бош қисмига кийиладиган маска сувости чанғисининг фарқли белгиси. Ана шуларни тақасиз-да, сув тагига шўнғийсиз. Ўша воситалар чанғичининг энг чуқур жойгача сузиб боришига катта ёрдам беради.

Кашфиётчининг таъкидлашига қараганда, сув остига мўлжалланган чанғи такрорланмас ҳиссиёт ато этади.

Австрияда чиқадиган «Курьер» газетасида бу ҳақда чоғроққина мақола эълон қилинган.

ana shunaqa gaplar...



**Ҳурматли ҳамкасбимиз**
**Ғуломқодир ОЧИЛОВ!**

*Сизни 40 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин юракдан табриклаймиз. Соғлик-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.*

**Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 51-мактаб ўқитувчилари жамоаси.**

**QUTLOV**

**Ҳурматли ҳамкасбимиз**
**Абдуваҳоб РАҲИМҚОРИЕВ!**

*Сизни таваллуд айёмингизга 60 йил ва иш фаолиятингизга 40 йил тўлиши билан самимий қутлаймиз. Ҳамиша соғу саломат бўлинг!*

**А.Авлоний номидаги ХТХМОМИ ректорати ва жамоаси.**



***Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти 1999-2000 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таҳсил олиш учун аспирантурага***

## ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

***— Педагогика фанлари 13.00.00***
***— Педагогика назарияси ва тарихи 13.00.01.***
***— Ўқитиш назарияси ва методикаси 13.00.02.***
***— Ҳунар таълими назарияси ва методикаси 13.00.08***

***Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва хорижий тилларнинг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонлари топширадилар. Танлов имтиҳонларига ўз касбий соҳалари бўйича, камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар, шу йили олий ўқув юртларини тугатганлар эса, олий ўқув юртининг илмий кенгашлари тавсияларига кўра қўйиладилар.***

***Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.***

**Аспирантурага кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

***— институт ректори номига ариза;***
***— кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;***
***— таржимаи ҳол;***
***— чоп этилган мақолалар рўйхати ёки реферат;***
***— олий ўқув юртини шу йил битирганлар учун илмий кенгаш йиғилиши баённомасидан кўчирма;***
***— диплом нусхаси, иловаси билан;***
***— меҳнат дафтарчаси (сиртқилар учун кўчирма);***
***— номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса 2.2. шаклда гувоҳнома;***
***— икки дона сурат.***

***Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри,**
**Пушкин кўчаси 7- уй, инд: 700000.**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти аспирантура бўлими.**
**Факс: 136-22-12.**
**Тел: 136-23-27.**

**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети 1999 йил докторантура ва аспирантурага**

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

## КУНДУЗГИ ЎҚИШ УЧУН

***Докторантурага ўқиш учун:***

1. *13.00.01 – Педагогика тарихи ва назарияси.*
2. *13.00.02 – Ўқитиш назарияси ва методикаси.*
3. *19.00.01 – Умумий психология.*

***Мақсадли аспирантурага:***

1. *07.00.02. – Ватан тарихи.*
2. *09.00.01 – Диалектика ва билиш назарияси.*
3. *10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт.*
4. *10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи.*
5. *10.02.02 – Ўзбек (миллий тиллар) тили.*
6. *13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи.*
7. *13.00.02 – Ўқитиш назарияси ва методикаси.*
8. *13.00.03 – Махсус педагогика.*
9. *19.01.01 – Умумий психология.*
10. *19.00.07 – Ёш ва педагогика психологияси.*
11. *22.00.06 – Маданият, маориф ва фан социологияси.*
12. *23.00.01 – Сиёсий фан назарияси ва тарихи.*

## СИРТДАН ЎҚИШ УЧУН

1. *07.00.02 – Ватан тарихи.*
2. *10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт.*
3. *13.00.01 – Педагогика назарияси ва тарихи.*
4. *13.00.02 – Ўқитиш назарияси ва методикаси.*
5. *13.00.03 – Махсус педагогика.*
6. *19.00.01 – Умумий психология.*
7. *19.00.07 – Ёш ва педагогика психологияси.*

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 40 (докторантурага 45) ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 1 йил амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг, олий ўқув юрти кенгашининг тавсияси билан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун аризага (университет ректорининг номига) қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (расми билан), таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ҳамда синов ва имтиҳонлар варақасидан кўчирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилинган илмий ишлари рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танлаган ихтисослиги бўйича машина ёзувида 20-25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва бирор чет тили(инглиз, немис, француз)дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда имтиҳонларни топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва топшириши учун иш жойларидан иш ҳақи сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

**Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида таътилдан фойдаланадилар. Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 октябргача қабул қилинади. Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети (Тошкент ш. 700064, Глинка кўчаси, 3-уй.) илмий бўлимига (Телефон: 55-50-95), ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари (55-52-30), аспирантура бўлимига (54-74-20) мурожаат этиш мумкин.**

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0727. Тиражи 24020. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 21.30.